
ЖУРНАЛИСТ ВА БЛОГЕРЛАР ВИЛОЯТИМИЗДА “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР БИЛАН ТАНИШДИЛАР

Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ташаббуси билан Фарғона шаҳрида журналист ва блогерлар учун пресс-тур ташкил этилди. Унда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар эътиборда бўлди.

Пресс-тур давомида вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси масъул раҳбарлари томонидан вилоятда жорий йил куз мавсумида 5 миллион 747 минг туп манзарали ва мевали кўчатлар ҳамда қаламчалар экиш режалаштирилгани ва кўчат экиш тадбирлари 1 декабрга тўла якунланиши маълум қилинди.

Бугунги кун ҳолатига 5 миллион 200 минг тупдан зиёд кўчатлар экилиб, айни жараёнлар ҳудудларда жадал давом этаётгани қайд этилди. Пресс-тур давомида шаҳардаги “Ўрмончилар” МФЙ даги Аэропорт кўасида жойлашган 2,2 гектар майдондаги “Жамоат парки”да кўчат экиш тадбирлари билан танишилди.

Бош режага асосан Элдар соснаси, оққайин, клен каби 1200 тупдан зиёд манзарали дараҳтлар экилган майдонда вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва масъул идоралар кўмагида яна 3 минг туп манзарали дараҳтлар экиш ишлари қизғин амалга оширилаётгани маълум қилинди. Шу жойда экология давлат инспекторлари томонидан экилган кўчатларни “Яшил макон” электрон платформасига киритиш, уларга масъулларни бириктириш чора-тадбирлари тушунтириб ўтилди.

Кейинги манзилда эса Экошаҳар худудида 70 гектар майдонда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” боғида амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўрилди. Бу ерга жами 18 742 туп дараҳтлар экиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 11 ярим минг тупга яқин Крим соснаси, каштан, дуб, оққайин, сакура каби кўплаб турдаги манзарали дараҳтлар жойлаштирилгани ҳақида маълумот берилди.

Пресс-тур иштирокчилари “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мевали ва манзарали дараҳт, бута кўчатлари ҳамда қаламчаларни экиш ишларини мувофиқлаштирувчи вилоят штабида ҳам бўлиб, “долзарб 40 кунлик” бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-23 19:50:21